

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридиневич
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Муҳаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USHLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Axrorbek Muxsidinov O'ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O'RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ma'mura Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O'ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ra'no Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O'RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислон Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчок мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Акмал Сайдирасулович Якубов,
Шароф Рашидов номидаги
Самарканд давлат университети докторанти

ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари)

For citation: Akmal S.Yakubov, THE KHIVA KHANATE AND KAZAKH JUZZ (fundamentals of settlement and settlement relations). Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.246-255

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485366>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё минтақасида юз берган тарихий жаараёнлар таҳлил қилинган. Тадқиқ этилаётган даврда минтақада сиёсий кучлар ўртасидаги етакчилик учун кечган кураш вва уларнинг ўзаро алоқалари архив хужжатлари, тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида ўрганилади. Маълумки, Хива хонлигининг ташки алоқаларида Қозоқ жузлари билан олиб борилган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар муҳим тарихий аҳамият касб этиб келган.

Калит сўзлар: қозоқ жузлари, “Муғулча усул”, Мўйноқ ороли, телпак, жаримши, шоли, зиғир, кунжут, Устюрт қозоқлари, баҳорги буғдой, куйикбош.

Акмаль Саидирасулович Якубов,
Базовый докторант Самаркандского
государственного университета имени Шарофа Рашидова

ХИВИНСКОЕ ХАНСТВО И КАЗАХСКИЕ ЖУЗЫ (основы расчетов и расчетных отношений)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются исторические события, происходившие в Среднеазиатском регионе в XVI-XIX веках. Борьба за лидерство между политическими силами в регионе в период исследования и их взаимоотношения изучаются на основе архивных документов, исторических источников и научной литературы. Известно, что экономические, социальные и политические отношения Хивинского ханства с казахскими подданными приобрели важное историческое значение.

Ключевые слова: казахские сыры, «монгольский метод», остров Мойнак, тельпак, ярымши, рис, лен, кунжут, устюртские казахи, яровая пшеница, куйыкбош.

Akmal S. Yakubov,
Basic doctoral student of Samarkand State
University named after Sharof Rashidov

THE KHIVA KHANATE AND KAZAKH JUZZ (fundamentals of settlement and settlement relations)

ABSTRACT

This article analyzes the historical events that took place in the Central Asian region in the XVI-XIX centuries. The struggle for leadership between the political forces in the region during the study period and their relationship are studied on the basis of archival documents, historical sources and scientific literature. It is known that the economic, social and political relations of the Khiva Khanate with the Kazakh subjects acquired an important historical significance.

Index Terms: Kazakh cheeses, “Mongolian method”, Moinak island, telpak, yarymshi, rice, flax, sesame, Ustyurt Kazakhs, spring wheat, kuyukbosh.

Кириш:

Асрлар давомида бир тарихий илдизга эга бўлган ўзбек ва қозоқ халқлари тарихий тараққиёти ўрганиш ва унга холисона баҳо бериш бугунги глобаллашув шароитида жуда муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда ҳар икки мамлакат ўртасида олиб борилаётган ўзаро дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Ҳар икки давлат алоқаларининг тарихий илдизларини ўрганиш ва уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш эса, ўзаро дўстлик ришталари тарихий тараққиётини кўрсатиб бериш, минтақада кечган тил, маданият уйғунлигини ўрганишга хизмат қилади. Бугунги кунга қадар ҳар икки давлат ўртасидаги алоқалар тарихига доир бир қанча илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, кўпгина асарлар яратилган. Шу билан бирга ҳар икки ҳудуд ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш танланган мавзунинг муҳокамабоплигини кўрсатиб туради.

Методология:

Хива хонлигининг Қозоқ жузлари билан олиб борган ўзаро ҳамкорлик алоқалари сиёсий, маданий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган ҳолда, ҳар икки ҳудуд ўртасидаги муносабатлар Хива тарихшунослик мактаби муаллифларининг ёзма манбалари ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этишда тарих фанининг замонавий концептуал-методологик ёндошувлари ҳисобланган мавзуга доир ёзма манбалар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлилида, тарихийлик, қиёсий тарихий таҳлил услубларидан фойдаланилган.

Асосий қисм:

Қадимдан Хоразм воҳасида яшаб келган ўтроқ аҳоли ва кўчманчи чорвадорлар ўртасидаги фарқ уларнинг турмуш тарзи, ҳўжалик юритиши, дунёқарашлари, маданиятида кўзга ташланиб келган. Шу пайтга қадар ўрганилган барча манба ва адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ўрганилаётган даврда қозоқ уруғ ва қабилаларининг асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик ҳамда у билан боғлиқ соҳалар бўлган. Хусусан, Дашти Қипчоқ аҳолиси турли зотдаги отларни, кўй, туя, ўтроқ аҳоли эса қорамол ва эчки боқишган. Қозоқ отларининг икки тури бўлиб, бири узун ва гавдали, ёзги ва қишги боқишга мос зот. Бу зот отлар қозоқларнинг жабы турига яқиндир. Бундан ташқари улар зотли чопар отлар ҳам боқишган. Туя Дашти Қипчоқдагилар учун хонаки ҳайвон ҳисобланган. Ўрганилаётган даврда улар бир урқачли нортуя зотини боқишган. Иқлим шароитларига чидамли бўлган бу туялар йил давомида очик ҳавода турган. Фақат жуда совуқ ҳавода устини кигиз ва бошқа ёпинғич билан ёпишган ёки улар учун махсус шийпон қурилган. Қозоқ ва қорақалпоқлар қуйлари думбали, иккинчи зоти майин жунли бўлган.

Қозоқларда табиий-иқлим ҳудудларга қараб тарихан мавсумий яйловлар шаклланган. Булардан қишгисини – қишлоқ, баҳоргисини кўклов, ёзгисини – жайлов/йайлов, кузгисини – кузей деб аташган. Қишлоқ учун қамишли кўллар атрофи, водийлар, тоғ оралари, адирлар, унча баланд бўлмаган тоғлар, жангал олди, текис даштлар таглаб олинган. Кўклов учун эса қордан тозаланган ҳудудларга кўчиб ўтишган.

Кузей яйловлари эса кўпинча қишлоқга яқинроқ бўлган. Яйлов ўтлоқ, салқин жойлар, ичимли суви бор ва чивин билан лойқаси бўлмаган ҳудуд танланган. Молни сув билан

таъминлаш учун чукур бўлмаган, кенг қудуқ қовлашган ва теридан ясалган қовға билан сув олишган. Иқлими қуруқ жойларда чукур қудуқлар қовлаб, сувни туя ё буқалар ёрдамида тортиб олишарди. Манқистав ва Устюртда қудуқлар чукур қовланиб, тош билан терилгани маълум[1].

Қишлолда белгиланган тартибда моллар боқилган. Биринчи бўлиб қишловга ўтлагани отлар қуйиб юборилган. Улар туёқлари билан қорни юмшаб, энг яхши ўтларни еган, ундан кейин қора мол ва туяларни, кейин эса қўйларни боқишган. Қўй ва қора молни боқиш учун мувофиқ бўлган ҳудуд жуда қадрли бўлган. Қуруқ ва оғир мавсумда бундай ўтлоқлардан фойдаланишган. Чорвачилик учун энг даҳшатли вақт молни оммавий ўлат – жутга дуч келгани бўлган. Бу ўлатнинг сабаби ёзнинг ўта қуруқ келиши, ёнғинлар, совуқ қиш, ёмғирлар бўлган. Тўз бўрон даврида чорва тузли қўллар – сор/шўрда қолиб ҳалок бўлишган. Оғир ва қовуқ қишларда қозоқлар яйловларни қурак ашу ва отларга арқон билан боғлаб тортадиган чўб билан тозалашган.

Чорвадор аҳолининг турмуши жуда оғир эди. Қўқлов даври тул қириши, чорвани жунини олиш, қўзиларга қараш билан бирга бошланган. Ёз қириши билан овул яйловга кўчарди. У ерда моларни соғиш, ахталаш, жунини қирқиш, қошма тайёрлаш ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш каби ишлар бошланиб кетган. Мезон қириши билан қозоқлар орқага қайтиб, қавс ойида қузов, декабр ойида қишловларда жойлашган. Қузовда қишлоқ учун молларни суйиш вақти – соғим бошланган. Яйловга аста-секин, қишловга тезроқ қайтишган. Қўчманчиларни шундай йил давомида қўчиб юришлари йилдан-йилга такрорланиб, узоқ асрлар бир маромда давом этган. Уларнинг қўчиш маршрутлари эса турли жамоалар тарафидан қатъий тарзда чеклангани маълум[2].

В.В. Бартольд маълумотларига қараганда қозоқ халқининг халқ оғзаки ижодида кўпинча “қозоқ” қўчманчини, “сарт” эса тилларидан қатъий назар ўтроқ аҳолини (шаҳар ва кент – қишлоқда яшаётганларни) билдирган[3].

Қозоқ учун унинг чорвоси асосий бойлиги саналиб, эгасига озиқ-овқат манбаи, кийим-кечаги, уй-жойи ҳамда транспорт воситаси бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари чорва орқали керакли нарсаларни бошқа халқлар билан алмашув йўли билан олиш мумкин эди. Қўчманчи учун унинг моли чорваси барчадан устун турган. Шунинг учун қўчманчилар бир-бирлари билан учрашганда аввал чорванинг аҳолини, ем-хашагини кейин оиласини сўраганлар[4].

Қўчманчилик турмуш тарзи катта заҳмат ва азоблар, йил давомидаги ўтлоқ билан боғлиқ бўлган чорво ва молларни сақлашдан иборатдир. Бироқ шунча азобларга қарамасдан қўчманчи қозоқлар ўз турмушларини уй-жой ва маҳаллалару деворлар билан чеклаб қўйилган шаҳарлик ва қишлоқ аҳолисининг ҳаётларидан ҳам устун қўйишган. Қозоқлар шу даврда асосан қўй, от ва туяларни боққанлар. Катта шохдор мол йил давомидаги ўтлоққа чидаши қийин бўлганидан уларни камроқ боққанлар. Зеро қишда емишни мол қор тагидан топиб ейиши керак эди. 1694-1695 йилларда Тавқехон қабулида бўлган Ф. Скибин “қозоқларда йилки ва қўй кўп, бироқ сигир кам”[5], деб ёзган эди. Сайфи Чалабий ҳам қозоқларда айни юқоридаги чорва, яъни, қўй, от ва туялар кўплигини эслайди[6].

Қозоқларнинг хўжалик ҳаётида, жумладан, Хива аҳолисининг шаҳарлардан ташқари жойларида қўй боқиши ҳам катта аҳамият касб этган.

Қўй ёғи ва ўтларнинг қулидан ўзларига сифатли совун тайёрлашган. Ундан ташқари ўрганилаётган даврнинг охирларида ҳам қўй қозоқларнинг айирбошлашга асосланган ташқи савдоларида асосий маҳсулот бўлиб, у пул ўрнида хизмат қилиб, барча нарсаларнинг қийматини белгилаш учун ҳам асосий ўлчов бўлган[1].

Ҳозир ҳам маълумки, қозоқ қўйлари оғир табиий ва иқлим шароитларига чидамли бўлиб, катталиги, сергўшт ва серсутлиги билан бошқа турдаги қўйлардан фарқ қилади[7]. Ўрганилаётган даврда Дашти Қипчоқдаги қозоқлар орасида бўлганлардан И. Барбаро, А. Женкинсон, А. Левшин қўчманчи қозоқларнинг хўжалигида қўйлар алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлайдилар. “Бу халқ боқадиган ҳайвонлардан тўрттинчиси бу жуда катта, узуноёқли ва узунжунли, думбали қўйлардир. Баъзиларининг думбалари 12 фунтга тенг келади”[8]. “Баъзи

кўйларни кўрдимки, думбалари ғилдиракли сабад устида боғламишдир. Улар шу думба ёғини овқатларида ишлатадилар; у оғизда қотмайди ва жуда хушхўрдир”, деб маълумот берган эди. И. Барбаро.

А. Женкинсон эса бу кўйларнинг думбалари 60-70 фунт келишини айтган[2], Л. Левшин эса қозоқ кўйлари 4-5 пуд, думбаси 2 пудгача бўлганини кўрган. Бундай кўйлар шундай кучли бўлганки, 10-12 ёшли болалар бемалол уларга миниб юрган[1].

Шундай кўйларни боқошининг асосий сабабларидан бири, улар ем-хашак етишмовчилигига ҳам жуда чидамли бўлган ва йил давомидаги оғир кўчманчилик турмуш тарзига мослашганидир. “Қирғиз (қозоқ)нинг иқтисодий турмушида кўй жуда ҳам муҳим рол уйнайди. Бу ҳайвон руслар томонидан ҳам Марказий Осиёлик савдогарлар томонидан ҳам жуда юқори баҳоланади”, деб ёзган эди А.Н. Тетеревников[9].

Қозоқ жузлари аҳолисининг хўжалигида йилқичилик ҳам катта рол уйнаган. Ўрганилаётган даврда қозоқларда ҳозир “қозоқча от” номини олган бўйи паст, қорни каттароқ, кўнгай отларни боқиш давом этган. Дашти Қипчоқ аҳолиси учун бундай зотдаги отлар чидамлилиги, камсуқум, емишни қор ва муз тагидан ўзи топиб ейиши, гўшт, сут ва терисидан фойдаланиш қулайлиги билан ажралиб турган. А. Левшиннинг маълумотида кўра, Дашти Қипчоқнинг шимолидаги отлар жанубийларига қараганда кучли ва кўпроқ бўлган[1]. Хонлар, султонлар ва қозоқларнинг қабила бошлиқлари – бий ва бекларида йилқичилик жуда ривожланган бўлса ҳам, зотли ва чопар отлар жуда кам бўлган. Дашти Қипчоқда бўлганларнинг эсталиклари ва бошқа манбаларда айни зотдор отларнинг камлиги тўғрисида баъзи маълумотлар учрайди[8].

Қозоқларда кўпроқ, Хивада эса камроқ туя боқиш ҳам расм бўлган. Яйлов ва қишлоқ вақтларида кўчиш ва юк ташишларда асосан туялардан фойдаланишган. Ибн Рўзбехон маълумотида қараганда, қозоқлар туялар ва буқаларни аравага боғлаб ўз ўтовларини кўчириб юрган. Туянинг узун ва нафисроқ жуни, гўшти, сутидан бўлган маҳсулот ва озиқ-овқатларидан фойдаланишган. Биялардан олинган кумрон кумисга ўхшаб қозоқларнинг энг сеvimли ичимликлари бўлган.

Дашти Қипчоқдаги аҳоли асосан икки ўрқачли туяларни кўпроқ[10], бир ўрқачликни камроқ боққанлар[8]. Туяларни совуқ вақтларда кигизлар билан ўраб кўйиш лозим эди. Туялар Қозоғистоннинг қумли ўрта ва жанубий ҳудудларида кўпроқ боқилган[1].

Қозоқлар хўжалигида кўй, йилқичилик ва туя боқиш билан бирга йирик қорамол ва эчки парвариши ҳам муҳим ўрин олган. Бироқ, улар камроқ бўлган ва қозоқларнинг сигирлари майдароқ бўлгани билан жуда бақувват, сути кўп бўлган. Буқалари эса янада ҳам кучлироқ ва кўкракдор бўлгани билан ажралиб турган[1]. Хоразм воҳасида катта шохли қорамол ўзбекларда ҳамда қорақалпоқларда кўп бўлган. Дала тадқиқоти материаллари ва илмий адабиёт материалларига кўра, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ўз чорвалари учун сайисхона (бойлари) ва ертўла (камбағаллар) қурганлар. Қозоқларда эса бостирма, сайисхона, қамиш-тўла (шертек), кўра, азбаркўра, қалмақ-кўра бўлган.

Қозоқларда чорва оиланинг хусусий мулки бўлган[6]. Шу билан бирга уларни боқиш учун фойдаланаётган яйлов ва ўтлоқлар ҳам кўчманчи жамоанинг мулки бўлиб, ундан барча эркин аъзолари фойдаланишга ҳақли эди[11]. Бироқ, мустабид тузум даврида шу яйловлар ва сув манбаларини бошқараётганлар бу ҳуқуқдан қабила ёки унинг аъзоларини маҳқум қилишлари мумкин бўлган[6].

Муайян улусга бирлашган уруғ ва қабилалар жамоа бўлиб ўтлов ва яйловлардан фойдаланишни анъанавий меросий тарзда давом этиб, ҳар бир султон, хон ёки бий “Чингиз ясоғига биноан” ўз халқи билан “қадимий юртида” яшарди. Яйловлар оша йил давомида кўчиб юриш кўп асрлик тажрибаларга асосланган бўлиб, йил мавсуми ва ердаги ўсимлик қоплами билан боғлиқ эди. Маълумки, чорвадор қабилаларда барча ўтлов ҳудудлари тўртта мавсумий ҳудудга, яъни “қишлоқ” (қистау), “кўклов” (куктеу), “жайлов” (жайлау) ва “кузлов” (кузеу) га бўлинган эди[12].

“Қишлоқ” учун кўпинча дарё бўйлари танланган. Бунга сабаб дарё бўйларида қамиш ва бўтазор кўп бўлиб, молларга емиш, қишги бўрон ва қорда эса панагоҳ, кўчманчиларга эса

ўтин манбаи сифатида хизмат қиларди. Шунинг учун Сирдарёнинг ўрта ва куйи оқими, Амударёнинг куйи қисмида жуда кўп кўчманчилар қишлоқ учун келардилар. Қиш мавсумида кўчманчи қозоқлар молларини ўт-ўландан яхши таъминлаш учун қишлоқ ҳудудларида кенгрок жойлашишган. Натижада улуслар орасидаги масофа узоклашишидан алоқалар анча кийинлашиб қоларди. Қор, бўрон ёмғирлар натижасида улар бир-бирларидан бутунлай хабарсиз қолар, ҳарбий ва мудофаа масаласида ҳам бу ҳолат анча ачинарли ҳолатларга олиб келиши мумкин эди. Қозоқларга қарши кўпгина юришлар ҳам айна шу мавсумда амалга оширилган.

Қозоқлар шу тўрт мавсумда минглаб чакирим йўлни босиб ўтишлари лозим эди. Шунинг учун уларнинг ўтовлари ҳам араваларда юкланган бўлиб, туя ва отлар ёрдамида юзлаб оилалар кетма-кетлик билан кўчиб юрган. Кўпинча улар сувсизлик олдини олиш учун қор тушгандан кейин йўлга чиққанлар. Шунда бой, моли кўп қозоқлар олдинроқ, камбағаллар эса уларнинг ортидан юриб боришган. Бундай ғилдиракли уйларнинг баъзи ноқулайликлари ҳам бўлган (масалан йўл нотекислиги ва ҳ.). Бироқ улардан мудофаа учун ишлатиш жуда ҳам қулай бўлганини тан олиш лозим[13].

Хива хонлигида қозоқларнинг ўтлови учун жуда кенг далалар бўлмагани боис, бошқа жойларда табиин қабиласининг шомишли уруғи ва адай Устюрт чўлларида яйловга кўчиб боришган. Кўҳна Урганч, Шуманай ва Кўнғирот ҳудудларида яшайдиган қозоқларнинг бир неча қулавлари (Устюртдан тушиш жой, йўллар) бўлган: Шиндининг қулави, Ажибадинг қулави, Қарақумбетнинг қулави ва бошқалар. Баҳор кириши билан юқоридаги уруғлар Устюртга кўчиб Кичик ва Катта Сам, Барсук, Сагиз, Қорақамиш, Хон-Тўрткўл, Оқкўл, Донгизтав, Шошқакўл, ҳатто Муғожар тоғларигача борардилар. Куз кириши билан улар қиши муътадил ва чорвага емиш бўлган Амударё этагига қайта кўчиб келишган. Бу уруғларнинг кўчиб юрадиган йўлларида ўзларининг қудуқлари бўлган: Қувунишқудуқ, Кўшбулоқ, Ақтайлақ, Малайдар ва бошқалар. Устюрт чўлларида қора шувок (явшан) ни қўй ва туялар ҳамда адай отлари емиш сифатида яхши кўриб еганини А.К. Гейнс ҳам таъкидлайди.

Қизилқумнинг ғарбий қисмлари Хивага қарашли бўлган. Бу ҳудудда Кичик жуз аҳолиси яшаган. Улар ҳам кўчманчилик қилиб, чорвачилик билан машғул бўлган. Улар ҳам бир қудуқдан иккинчи қудуққа зарурият туғилганда кўчиб бориб, қўй, туя ва эчки боққанлар. Айтилганидек, қозоқлар катта шохли чорва боқишни хуш кўрмаган. Зеро сигир ва ҳўкизларни сифатли ўт-уланлар билан таъминлаш, уларни узок жойларга ҳайдаб кетиш мушкул бўлган.

Амударё этагида яшаган кўчманчи ва яримкўчманчи қозоқлар деҳқончилик билан ҳам машғул бўлишган. Сабаби Хива хонлигида кенг яйлов ва ўтзорлар бўлмаган. Бироқ шунга қарамасдан, бу ернинг аҳолиси етарли даражада чорва боққан. Айниқса, катта шохдор мол, қўй, от, туя ва эшаклар кўп боқишган. В.Гиршфельд ва М.Галкинларнинг ёзишича, кўчманчи қирғизлар (қозоқлар), туркманлар асосан қўй ва туя, қисман от боқишади; қорақалпоқлар эса ҳам ўтроқ ва ҳам кўчманчилари кўпинча катта шохли чорва боқишган[14].

Қозоқ жузларининг баъзи ҳудудларида аҳоли деҳқончилик билан машғул бўлишлари тўғрисида ҳам айрим маълумотлар мавжуд. Лекин бу соҳа жуда заиф ва нотекис ривожланган. XVIII асрнинг охирига келиб Хивадаги қозоқлар Амударёнинг чап соҳилларидаги ерлардан Хўжайлининг шимоли, шимоли-ғарбидан Кидир ярган, Суэли ва Чимбой-узакча; Шуманай ва Қият-жерган ирмоқларида; Хон-ёпнинг қуйи оқимида ва Қара-узак, Айбугир бўғозидаги Жанглижан ёпигача бўлган ерларда деҳқончилик қила бошлаган[16].

Тарихдан маълумки, ўтроқ ҳаётга кўпинча ўз молларидан айрилган қозоқлар ўтган. Уларни жатақ (ётган) ва ўтурақ (ўтроқ) деб номлашган[17]. Бироқ бу тоифа қозоқлар керакли чорвани қўлга олишлари билан яна анъанавий ва одатий кўчманчилик ҳаётга қайтишни орзу қилган. Кўчманчилар учун кўчиб юриш бу эркинлик ва бахт-саодат рамзи бўлган[17].

Яъни, қозоқ жузларининг чексиз ҳудудлари танҳо ва жамоа бўлиб ов қилиш учун жуда қулай бўлган. Дашти Қипчоқ қозоқлари учун ўрганилаётган даврда асосий ов қуроли ёй бўлган. Қозоқлар дашт ҳайвонларидан кўпинча оқ қуйруқ, қулон, жайрон, тоғ эчкиси, архар, кийик, сагин, айруқ, тўнғиз, чўчка, турли қушларни ов қилганлар.

Муйнали ҳайвонлардан бўри, шоқол, тулки, болчик, тейин, савсар, кунен, оксичқонни овлаган. Улар ов қушларидан балабан, тоған, қорақуш, лочин, шумқор, бургут, тозий итлар ёрдамида ҳам овга чиққанлар[8].

Турли ҳайвонларнинг муйналари (бўри, тулки ва б.) 3 копейкадан 3 рублгача сотилиши жуда арзон туришини рус муаллифлари қайд қилган. Г.Колмогоровнинг маълумотида қараганда қозоқ жузларидан XVIII асрнинг ўрталарида 400 000 рублга яқин тери ва муйина хонликлар бозорлари, рус ярмаркалари ва Хитой бозорларида сотилган[18]. Бироқ, шу муаллифнинг хулосасига кўра XIX асрнинг бошларига келиб муйина савдоси сезиларли даражада камайиб қолган.

Айтиш керакки, овчилик қозоқларнинг асосий машғулоти бўлмай, уларнинг натурал хўжаликларида яхшигина даромад ҳам олиб келарди. XVIII асрда Каспий соҳиллари ва Орол атрофидаги даштларда бўлган П. Палласнинг ахборотида қараганда бу ер “аҳолисида гўшт танқислиги бўлмайди, чунки улар овга борадилар, мажруҳ ва оқсаган чорвани сўядилар. Шунинг учун гўштлири етарли. Эҳтиёжсиз шахсий молларини сўйиш, ҳатто зиёфатларда ҳам ғайриоддий иш кўринади”[21].

Қозоқларда муйинали ҳайвонларни овчи ўзи овлаган. Кўп ҳолларда овчи ўз ўлжасини қабиладаги энг улуғ ёшли аъзосига ё меҳмонларга тақдим этган. Бу одат қозоқларда “нимат” номи билан машҳур бўлган[22].

Дашти Қипчоқ аҳолисидан фақат дарё бўйларида яшаганлар балиқ ови билан машғул бўлган. Кўпинча Орол яқинидаги Сирдарё этагида балиқчилар кўп бўлган. Хоразм воҳасида ўзбекларда қисман қорақалпоқларда эса кўпроқ балиқчилик ривожланган эди[23]. Жанубий Орол аҳолисидаги қозоқлар ҳамда қорақалпоқлардан Тербенбес, Мергенетау, Тазбескуи, Акбеткей, Тайлакжеген, Қарабайли, Ердажатау, Аққала, Урге, Қаражар, Айирша, Дузли, Кейберен, Жумалак, Мўйноқ ороли (Тохпақ-ата)да асосан балиқчилик қилганлар[24]. Орол атрофидаги қўнғиротларнинг қолдаули, муйтан, очамайли ва қийот ҳамда қозоқларнинг алим уруғи анча қадимдан балиқчилик қилганлиги маълум. Бироқ, ўрганилаётган даврда балиқчилик сотиш учун эмас оилада истеъмол учун оддий ов қуроллари (илма, қармоқ, коза, тўр) билан тутилган. Сувда сузиш учун қайиқ, сол, шона каби воситалардан фойдаланишган. Балиқ кам бўлса ҳам унинг маҳсулоти (масалан бакра ва лаққа балиқ елими) Хивада, Қўнғирот, Чимбой, Қилич, Қалъа, Давқара ва Хўжайлида сотилган[25].

Дашти Қипчоқ аҳолиси орасида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ҳамда уй ҳунармандчилиги анча ривожланган эди. Айниқса, чорва маҳсулотларидан бўлмиш тери ва жундан турли нарсалар, кийим-кечак, уй-рўзғор анжомлари, кигизлар тайёрлаш юқори даражада бўлган. Жумладан чарм маҳсулотлари, чакмонлари, шубалари, телпак (малахай) Марказий Осиё ва Россия бозорларида юқори нархларда сотилгани маълум[26].

Қозоқлар қурол-яроқларни ўзлари тайёрлаганлар. Катта санъат билан улар қилич, найза, ўқ ва ёйни ясаганлар, отларнинг эгар-жабуқлари, лажоми, узангиларини ўзлари ясардилар. Ўқ отадиган қуроллардан тўпга ўхшаганлари уларда бўлмаган. “Майда ўқ отар қуроллар ҳам уларда жуда қадим, деб ёзади В. Кобяков[27]. Ёй ўқларини улар қайин дарахтидан ясаганлар, ипини қўйнинг ичагидан тайёрлаганлар. Қозоқлар порох тайёрлашни, қўрғошин ва мис эритишини ҳам билишган[27]. Шу билан юқорида тилга олинган маҳсулотларни тайёрлайдиган ёйчи, ўқчи, яроқчи, сунучи каби касбу-кор эгалари бўлган[28].

Хива ҳудудларига кўчиб келган қорақалпоқлар ва қозоқлар Сирдарёнинг икки соҳили, Одамато ва Қувондарё этакларида яшаб, деҳқончилик билан бирга балиқчилик ва қармоқ овчилик билан машғул бўлишган.

Ер-сувга эгалик турлари тўрт турга бўлинган ва улар давлат мулки; амлок ёки хусусий мулкчилик; вақф ерлари ҳамда қишлоқ жамоасининг мулкларидан иборат бўлган. Хоразм воҳасидаги хўжалик ҳаёти ва ижтимоий муносабатларида патриархал-мулкчилик муносабатларининг қуйидаги турлари бўлган: жаримши (ҳосилнинг ярми), қуликши (қуқай), сутине (пул қарз бериш), қогине (уруғлик қарз берилган), майина (чорва вақтинча бир ойга ижарага берилган), толжари (чорва боласи эвазига), ёки шерикликдаги муносабатлар: ағайиншилик, малкоса ва бошқалар[19].

Гладищев ва Муравин қолдирган маълумотларга кўра, Хоразмда ўзбеклар ва қорақалпоқлар деҳқончилик билан машғул бўлиб, улар лалми ва қайир ерларда[30] ҳам буғдой, тарик, сули экиб, кўл ва дарёлардан сув чиқариб суғорганлар[31]. Улар шоли (қирмизи шоли, оқ шоли ва қора шоли ёки қилқуйрик), жўҳори (найман-жугари, бой жугари), беда, кандир, кунжут, турли дала экинлари (пиёз, сабзи, нўхат, қалампир), қовун ва тарвуз экканлар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари катта миқдорда қозоқларга қўй ва бошқа моллар эвазига сотилган[32].

Деҳқонларнинг асосий меҳнат қуроллари мола (сийпак моле, тишли моле), кетмон, омоч (кунде), белкўрак, жава, кўрак, ўроқ, кескирт (аслида қўшқорд), ғалвир бўлиб, ишчи куч сифатида от, эшак, туя ва ер ҳайдаш учун хўкизлардан фойдаланишган. Ер агарда чигирда суғорилса кулча (кулша), ўз оқими билан суғорилса атиз дейилган[23].

Бутун Хоразмда зироат турларини алмашиб экиш расм бўлган[20]. Хоразмда ўрганилаётган даврда, 30 дан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экканлар. Жумладан, буғдой, арпа, нўхат, шоли (бир неча нави), жўҳори, жасмиқ, тарик, беда, пахта (кауш), зиғир, кенаф, кунжут, нашадона, қовун ва тарвуз, қовоқ (қора ошқовақ, салла ошқовақ, паловкади ва сувқовақ навлари), савзи, пиёз, қалампир экканлар. Булар икки хил тарзда: қисман оқ экиш (кузда) ва қисман кўк экиш (баҳорда) экилган. Оқ экишда асосан буғдой экиларди. Баҳорда эса (май ойида) буғдой, арпа, жўҳори, тарик, мош, нўхат, кунжут, шоли, шигин каби дала маҳсулотлари экилиб, сентябрда ҳосили йиғиб олинган. Хивада учта кузги ва икки нав баҳорги буғдой экилган. Булардан кузгиси: жойдори (томпақбаш), алабурак (жавдори, қора буғдой) ва қуйиқбош (бошоғи қора). Баҳорги буғдойлар: қизил буғдой ва оқжазлик. Хоразмда экин ерларнинг (ҳам лалми ва ҳам суғорма) учдан бир қисмида ғалла, буғдой экилган. Хоразм воҳасида боғдорчилик ва узумчилик кам ривожланган. Уларда жийда, ўрик ва жуда кам узум парвариш қилган. Олма, нок, шафтоли ҳам баъзи жойларда ўстирилгани маълум бўлди[19].

Бу даврда Хоразм воҳасидаги деҳқончилик билан машғул бўлган аҳоли, хирож, танобона, закотдан ташқари бошқа мажбуриятларни бажариб солиқларни тўлашлари лозим бўлган. Турли солиқлардан ташқари улар қазув, хонлук, солғут ва бошқа мажбуриятларни бажарардилар.

Хулосалар:

Хулоса қилиб айтиш керакки, Хоразм аҳолиси асосан деҳқончилик билан машғул бўлса, ўрганилаётган даврда қозоқ жузларининг аҳолиси чорвачилик билан машғул бўлган. Улар қўй, йилқи, туя ва қорамол боқиш билан шуғулланиб, мавсумий қўчманчилик билан тирикчилик қилганлар.

Шундай қилиб юқоридагилардан маълум бўладики, Хива ҳудудларига қозоқларнинг кўчиб келиб доимий қолишлари XIX асрнинг бошларидан бошланган. Бироқ Хива хонлиги иқтисодий ва сиёсий жиҳатлардан Кичик жуз билан, айниқса Сирдарё қозоқлари билан қадимдан яқин алоқада бўлган. Шунинг учун ҳам узоқ асрлар давомида Хивадаги хонлар қозоқларнинг Кичик жуз султонлари орасидан сайланган.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Левшин А. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч.3. – СПб., 1832. (Levshin A. Description of the Kirghiz-Cossack, or Kirghiz-Kaisak hordes and steppes. Part 3. - St. Petersburg, 1832.)
2. Дженкинсон А. Путешествие в Средню Азию 1558-1560 гг // В кн.: Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Перевод с английского Л.Готье. – Ленинград, 1932. (Jenkinson A. Journey to Central Asia 1558-1560 // In the book: English Travelers in the Muscovite State in the 16th century. Translation from English by L. Gauthier. - Leningrad, 1932.)
3. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. /Сочинения, Т.5. – Москва: Наука, 1968. – С.189.(Bartold V.V. Twelve lectures on the history of the Turkish peoples of Central Asia. /Works, V.5. - Moscow: Nauka, 1968. - P. 189.)

4. Валиханов Ч.Ч. Записки о киргизах / Собрание сочинений. Т.1. – Алма-Ата. 1961. (Valikhanov Ch.Ch. Notes on the Kirghiz / Collected Works. T.1. - Alma-Ata. 1961)
5. Материалы по истории Казахских ханств XV-XVIII веков. (Извлечение из персидских и тюркских сочинений). – Алма-Ата: Изд-во АН КазССР, 1969. – С. 265. (Materials on the history of the Kazakh khanates of the XV-XVIII centuries. (Extraction from Persian and Turkic writings). - Alma-Ata: Publishing House of the Academy of Sciences of the Kazakh SSR, 1969. – P. 265.)
6. Султонов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV-XVII веков. – Москва: Наука, 1982. (Sultonov T.I. Nomadic tribes of the Aral Sea region in the XV-XVII centuries. - Moscow: Nauka, 1982.)
7. Руденко И.С. К вопросу о формах скотоводческого хозяйства и кочевниках // Географическое общество СССР. Материалы по этнографии. Вып.1. – Ленинград, 1961. – С.5.(Rudenko I.S. To the question of the forms of pastoral economy and nomads // Geographical Society of the USSR. Materials on ethnography. Issue 1. - Leningrad, 1961. - P.5.)
8. Барбаро и Контарини о России. К истории итало-русских отношений в XVв. – Ленинград, 1971. – С.149. (Barbaro and Contarini about Russia. On the history of Italian-Russian relations in the 15th century. - Leningrad, 1971. - P.149.)
9. Тетереvников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 7. (Teterevnikov A.N. Essay on the internal trade of the Kirghiz steppe. - St. Petersburg, 1867. – P. 7.)
10. Диваев А. Из области киргизского скотоводческого хозяйства // Туркестанские ведомости, 1904. – № 102. – С. 17. (Divaev A. From the area of the Kyrgyz pastoral economy // Turkestanские Vedomosti, 1904. - No. 102. - P. 17.)
11. Марков Г.Е. Кочевники Азии. Структура хозяйства и общественной организации. – Москва: Наука, 1976. – С.87.(Markov G.E. Nomads of Asia. The structure of the economy and social organization. - Moscow: Nauka, 1976. - P.87.)
12. Шахматов В.Ф. Казахская пастбищно-кочевая община : Вопросы образования, эволюции и разложения / В.В. Шахматов .— Алма-Ата : Изд-во АН Казах. ССР, 1964 .– 207 с. (Shakhmatov V.F. Kazakh pasture-nomadic community: Issues of education, evolution and decomposition / V.V. Chess. - Alma-Ata: Publishing House of the Academy of Sciences Kazakh. SSR, 1964 .– 207 p.)
13. Ахинжанов С.М. Кыпчаки в истории средневекового Казахстана. – Алма-Ата: Наука. 1989. – С.246.(Akhinzhanov S.M. Kypchaks in the history of medieval Kazakhstan. - Alma-Ata: Science. 1989. - P.246.)
14. Гришфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. – Ташкент, 1903. Вып. II. – С.169. (Grishfeld V., Galkin M.N. Military-statistical description of the Khiva oasis. - Tashkent, 1903. Issue. II. - P.169.)
15. Каульбарс А.В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // ЗИРГО. – Кн. 9. – СПб, 1881. – С.563. (Kaulbars A.V. The lower reaches of the Amu Darya, described by their own research in 1873 // ZIRGO. - Prince. 9. - St. Petersburg, 1881. - P.563.)
16. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Сочинения, т.2.ч.1. – Москва: Наука, 1963. – С.295.; Яна каранг: Марков Г. Е. Кочевники Азии: структура хозяйства и общественной организации / Г.Е.Марков; Рецензент Г.Г.Громов .– Москва: МГУ, 1976. – 319 с. (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkestan / Works, v.2.ch.1. - Moscow: Nauka, 1963. - P. 295.; Markov G. E. Nomads of Asia: the structure of the economy and public organization / G. E. Markov; Reviewer G.G. Gromov .- Moscow: Moscow State University, 1976. - 319 p.)
17. Колмогоров Г. О промышленности и торговле в киргизских степях Сибирского ведомства. - ЗИРГО,1855, СПб., ч.Ж, Кн.I, с. с. 7. (1-38) (Kolmogorov G. About industry

- and trade in the Kyrgyz steppes of the Siberian Department. - ZIRGO, 1855, St. Petersburg, h.J, Book I, p. With. 7. (1-38))
18. Хозяйство каракалпакии в XIX-начале XX века (Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана). – Ташкент: Фан, 1972. – С.53. (The economy of Karakalpakia in the XIX-beginning of the XX century (Materials for the historical and ethnographic atlas of Central Asia and Kazakhstan). - Tashkent: Fan, 1972. - P.53.)
 19. Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на Нижней Аму-Дарье. Землевладение в Шураханском участке Аму-Дарьинского отдела. – Ташкент, 1900. – С. 82. (Shkapsky O. Amu-Darya essays. To the agrarian question on the Lower Amu-Darya. Land ownership in the Shurakhan area of the Amu-Darya department. - Tashkent, 1900. - S. 82.)
 20. Паллас П.С. Путешествие по разнкм провинциям Российской империи. Ч.1. – СПб., 1773. – С. 471.
 21. Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – Москва, АКД. – 1984. – 272 с. (Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. - Moscow, AKD. - 1984. - 272 p.)
 22. Хозяйство каракалпакии в XIX-начале XX века (Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана). – Ташкент: Фан, 1972. – С.30. (The economy of Karakalpakia in the XIX-beginning of the XX century (Materials for the historical and ethnographic atlas of Central Asia and Kazakhstan). - Tashkent: Fan, 1972. - P.30.)
 23. Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. К истории взаимоотношения народов Каракалпакии в XVIII-XX вв. – Ташкент: Фан, 1966. – С.114.; Покровский А.С. Рыболовство на реках Сырдаре, Амударе и в Аральском море / Материалы к познанию русского рыболовства. – СПб., 1916. Вып. 1. – С.41. (Shalekenov U.Kh. Kazakhs of the lower reaches of the Amu Darya. On the history of the relationship between the peoples of Karakalpakstan in the XVIII-XX centuries. - Tashkent: Fan, 1966. - P. 114 .; Pokrovsky A.S. Fishing on the rivers Syrdar, Amudar and in the Aral Sea / Materials for the knowledge of Russian fisheries. - St. Petersburg, 1916. Issue. 1. - P.41.)
 24. Ўз МДА. Ф-12, 3-рўйхат, 249-иш. 543 varaқ. (UzNA. F-12, List 3, Case 249. 543 pages)
 25. Султонов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV-XVII веков. – Москва: Наука, 1982. – С.62. (Sultonov T.I. Nomadic tribes of the Aral Sea region in the XV-XVII centuries. - Moscow: Nauka, 1982. - P.62.)
 26. Дополнения к актам историческим, собранные и изданные археографическою комиссиею. Т.10. – СПб., 1867. – С.389. (Additions to historical acts collected and published by the archiographic commission. T.10. - St. Petersburg, 1867. - P. 389.)
 27. Ахинжанов С.М. Кыпчаки в истории средневекового Казахстана. – Алма-Ата: Наука. 1989. – С.249. (Akhinzhonov S.M. Kypchaks in the history of medieval Kazakhstan. - Alma-Ata: Science. 1989. - P.249.)
 28. Хозяйство каракалпакии в XIX-начале XX века (Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана). – Ташкент: Фан, 1972. – С.30. “Қорақалпоқлар бирга яшаётган қазақлар билан ер ҳайдайдилар”, деб ёзилган ўша давр манбаларда. Қаранг: Сыскное дело 1697 года по дороге в Хиву // Русский архив, кн.1.1867. – С.400. (The economy of Karakalpakia in the XIX-beginning of the XX century (Materials for the historical and ethnographic atlas of Central Asia and Kazakhstan). - Tashkent: Fan, 1972. - P.30. “Korakalpoqlar birga yashayotgan Kazakhlar bilan er haydaydilar”, deb yozilgan usha davr manbalarda. Karang: Detective case of 1697 on the way to Khiva // Russian archive, book 1.1867. - P.400.)
 29. Гулямов Я.Г. К возникновению орошения в Хорезме в свете данных археологии / Научная сессия АН Уз ССР. – Ташкент, 1947. – С. 99.; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. – Москва: Наука, 1969. – С.84-93.; Ханыков Я.В.

- Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. поручиком Оренбургского драгунского полка Дмитрием Гладышевым и геодезистом Муравиным. – СПб., 1851. – С.588-589. (Gulyamov Ya.G. On the emergence of irrigation in Khorezm in the light of archeological data / Scientific session of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. - Tashkent, 1947. - S. 99 .; Andrianov B.V. Ancient irrigation systems of the Aral Sea region. - Moscow: Nauka, 1969. - P.84-93 .; Khanykov Ya.V. A trip from Orsk to Khiva and back, made in 1740-1741. Lieutenant of the Orenburg Dragoon Regiment Dmitry Gladyshev and surveyor Muravin. - St. Petersburg, 1851. – P.588-589.)
30. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. поручиком Оренбургского драгунского полка Дмитрием Гладышевым и геодезистом Муравиным. – СПб., 1851. – 588-589. (A trip from Orsk to Khiva and back, made in 1740-1741. Lieutenant of the Orenburg Dragoon Regiment Dmitry Gladyshev and surveyor Muravin. - St. Petersburg, 1851. – P.588-589.)
31. Материалы по истории политического строя Казахстана, т. I. – Алма-Ата 1960. – С.25. (Materials on the history of the political system of Kazakhstan, vol. I. - Alma-Ata 1960. - P.25.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000